ИСҲОҚЖОННИНГ асли касби ҳайдовчи. Марҳамат тумани марказий касалхонасига қарашли «тез ёрдам» машинасида бошқаради. Бир кун ишлаб эртасига дам олади. Қўли бўшади дегунча курадан бери келмайди. Бу одат унда болалигидан бор. Мол бошич жону дили.

Бир кун район раҳбарларидан бири унга шундай деди: — Чорвада сенга ўргатишимиз керак. Талбиркорнинг иши юришадиган давр бўлди. Фаолиятингни кенгайтирсанг дейман. Эйлаб кетишига ишонаман. Қандай ёрдам керак бўлса биздан.

Шу гап унга далда бўлди. Енг шимариб ишга киришди. Давлат банкidan 30 минг сўм қарз кўтариб бозордан 4 та буюғ ситир сотиб олди. Фермерни «Пахтакор» жамоа хўжалиги оталингга беринди. Жамоа бошқаруви раиси Мўминжон Сайдов талбиркордан кун ора, хабар олиб турди.

Барибир Исҳоқжонга қийин эди. Бир кун тондан тонгача молхонада куймаланса, эртасига ишга югуради. Аниқса, молларнинг оғзи кўкка текканда, ташвиши кўпаяди. Тракторлардан тушириб олинган кўк бедани унга ташиб, кўритиб, фармага босиб, бунинг устига жониворларнинг уч маҳал емиши, кечки сонига унаш, хуллас бош қашинга қўли тегмайди. Яхшиямки ўйил-қўшлари, келинлари ёнига кирган.

Ваҳожон тумандаги жамоа хўжаликларининг бирида муҳандис. Сўғилларнинг қарови унинг зиммасида. Орифжон ҳам тиним билмайди. Ем — хашак таъминоти, ветеринария хизмати, хуллас, ҳаммасига қарашади. Кенжаси Хамиджон мактабдан қайтди дегунча ёрдамга шошляди. Турмуш ўрғон Сонидохон, келинлари ситир соғиш билан банд.

Бир кун Исҳоқжон Зайниддинов молхонани айланиб юрarkan, охурага суяниб мураббат кенжа ўғли Хамиджонга қўли тушди. Фарзандига жони ачиди. Чамаси бироз тин олгани ўтирган чорводан ухлаб қолган.

— Фермерликнинг номи қийинчилик билан топиларкан, бодаларнинг ҳам тинчасини кўритиб юбораямиз — деди ўзига ўзи.

— Майли меҳнатда пишгани яхши, — деди сал нарида жониворлага ем тарқатиб юрган умр йўлдоши.

Қийинчиликлар ўз йўлига, лекин бир гап фермерни жуда ўйлатиб қўйди. Давлат банкidan одам келиб кўтарилган қарзни уч кунда қайтаришни тайинлаб кетди. Исҳоқжоннинг боши қотди. «Банк билан қарзни узиш юзасидан беш йилга шартнома тузилган бўлса? Бирдан-бирга 30—40 минг сўм пул топишимиз ўзи бўладими?» Маслаҳат сўраб район раҳбарларидан бирига учради. У «билмасам» дегандек елка қиснидан нарига ўтмади. Бор-е, деб икки-уч молини сотмоқчи ҳам бўлди. Бироқ яхши ўсиб келаётган жониворларни кўзи қиймади. Шунича меҳнат бир кунда соғирлариди? Охири ўйлаб-ўйлаб қўлиб юрган ял-янги «Ингули»-сини сотди. Қарзидан узишди. Моллар сони 1992 йилга келиб 14 соғин ситир, 30 та буюғча кўпайди. Ҳа йили давлатга 5 тонна гўшт, 10 тонна сут сотилди. Гўштан топширилган сўғилларнинг ҳар бири 450 килограммдан тош босди. Молхонани кенгайтириш зарурати туғилди. Гўшт, сут сотишдан келаётган даромад ҳисобига 50 бош жониворга мўлжалланган 2 та ёлик ва қишлоқ буюғи кўтарилди. Сўғил фермер мавриддини топиб рақсандан 3 гектар ер сўради. У ҳа, ё йўқ демади. Гапни бошқа ёққа бурди. «Раисга ҳам қайи — кўнглидан ўтмади. — И. Зайниддинов, — сабарона ерлар ҳисобли. Давлатга пахта, дон, чорва, ва сабзавот маҳсулотларини сотиши керак. Қўл остида қанча деҳқон, чорводор бор...»

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам унга тинчлик бермасди. Бир эмас ўйлаб қорамол бор. Ем-хашак ўздан чиқмас қийин, зарар устига зарар кўраверади. Утган қишлобда хашак еттимай, бош урмаган жойи қолмади. Ҳа, эриш фермер қантосиз қўш дегани.

Туманининг ўша пайтдаги ҳокими Қоибжон Обидовга учрашганида, мушкулди осон кўчди. Талбиркор раҳбар илқонини топди. Бир ҳафтадаёқ фермер хўжалигига Шўр-қишлоқ мавзесидан 3 гектар бўйсилдоқ ер ажратилди. Ишлар юришди кетди. Бултур шу 3 гектар ерда, 28 тонна маккажўхори дони етиштирди. Қорамол 28 бошга етди. Улардан 7 таси эолдор ситир. Қолгани новбостлар. Шунинг ҳисобидан давлатга 50 тонна сут, 3 тонна гўшт сотди.

Энди қўлини қаёққа узатса етди. Ойига оила бюджетига минглаб сўм кирим тушиб турибди. Трактори, донни майдалаб ема айлантиришдан тегирмони бор. Топилган даромадининг етидан бирида маҳалладошларнинг ҳақи бор дейди фермер. Хайит ва байрамларга жонивор сўйиб, қилқонини 300 сўмдан тарқатади. Савобталаб чорводор бу йил давлатга 60 тонна сут, 4 тонна гўшт топшириш ниятида оила аъзолари билан астойдил меҳнат қилмоқда.

ИНСОФНИ УНУТГАНЛАР

КИМСАНБОЙ Маткаримов фермер бўлиш истагида бир-лашма раис Эргаш Раҳимов ҳузурига кирди. Эргаш ака янгиликка ўч раҳбарлардан. Бу гап унга маъқул келди. Бош иқтисодчи, муҳандис, ҳосилотни йўқлаб янги рўзғорга қўмақлашни йўлларини маслаҳатлашди. Кимсанбой банкда 30 минг сўм қарз олди. Енг ҳосилдор ердан 25 гектар ажратилди, экинзор ҳосилга киргунча, ем-хашакдан бирлашма қарашадиган бўлди.

Биринчи йилиёқ 25 гектарга экинган бугдойдан мўл-ҳосил олинди. Ортиқчасини сотди. Бугдойдан келган даромад ва қарз ҳисобига 20 қорамол, 8 ситир, 7 та қўй сотиб олди. Шундай қилиб Хўжаобод районидagi Мадиев номи агроасаноат бирлашмасида йирик фермер хўжалиги иш бошлади.

Фермер ўйлаб кўрса, каттагина мулкка эгаллик қилапти. Бирлашма раҳбарияти эса кундалик юмушларга ўралашиб, ўзи билан ўзи овора. Иккони борми, фойдалансинда... Узингни бил, ўзгани қўй деганларидек, рўзгорини мустаҳкамлашнинг пайига тушди. Бирлашмага гўшт, сут топшириш юзасидан оғиз кўпиртириб берган ваъдасини унутди.

Фермер хонадониди бўлган одам унинг ишбилармонлигига тан қўймай илқони йўқ. Бир томонда дангиллама иморатлар, бир томонда кўра тула мол, қўй. Тагида гизингиланган тойдек ял-янги «Жигули». Президент фармонлари шарофати ила қишлоқ деҳқони хонадонига кўт-баранга кириб омбори донга, тандири нонга, бостирмаси молга тўлди.

— Олмоқнинг бермоғи бор, дейдилар қадимдан, — сўхбатга тортимиз Кимсанбойни. — Эшитишимизча фермер хўжалигиниёқ ташкил топганига икки йил бўлибди. Шу вақтгача бирлашмага қанча гўшт ва сут топширидингиз?

Кимсанбойдан саволимизга тайинли жавоб ололмадик. Нима ҳам десин. Давлатга на ва бирор килограмм гўшт ва на сут берган. Қани инсоф, диёнат? Давлат унга кўпга нафи тегсин ва шунинг орқасидан ўзи ҳам тўқ, фаровон яшасин, деб қарз бермаганмиди. Қарамолда беш-ўн эмас 45 бош қорамол бор. Шундан 27 таси ситир. Яна 10 та қўй, 3 бош от боқилмоқда. Хўш, уларнинг гўшти, сүти қаерга кетяпти?

Фермер билан бирлашма ўртасида тузилган шартнома қаерда қолди, дерсиз. Шартноманинг ўзи йўқ экан. Шартнома тузиш, унинг бажарилишини назорат қилиш билан икки йилдан буюв ҳеч ким қизиқмаган. Нима бу, масъулиятсизликми ёки бошқа бирон «сири» борми? Йўлдоши Қўчқоров бош бўлган фермер хўжалигида ҳам

ана шундай эгасизликка дуч келдик. Унга бирлашма томонидан 15 гектар ер ажратилган. Бироқ деҳқон хўжалигини ташкил қилиш бўйича Қонунида белгиланган талаблар — ерга эгаллик қилиш ҳақидаги туман ҳокимлигининг қарори, давлат акти, қишлоқ кенгашининг фармони, ўзаро шартнома матнини кўрмадик. Фермер ихтиёридан 60 бош қорамол, 20 бош ситир, 300 бош қўйдан олинган чорвачилик маҳсулотлари қаерга кетаётганлиги биз учун қоронғулигича қолаверди. Шуми ҳукуматимиз раҳбарлари яратиб берган имкониятларга раҳматлари? Шуми фермер бўлишдан асл мақсадлари?

Бу борадаги аҳволни батафсил ўрганиш ниятида туман деҳқонлик саноат уюшмаси раиси Абдулаҳад Қурбонов билан суҳбатлашдик. Маълумотларга кўра ҳозир районда 106 гектар ерга эга бўлган 35 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларнинг 11 таси ҳалгача ҳокимият рўйхатидан ўтмаган. 18 таси чорвачиликка яхтисослашган бўлиб, уларда 353 қорамол (шундан 189 бош ситир), 335 қўй, 90 та парранда, 14 бош от боқилмоқда.

Оилавий фермерларни молиявий рағбатлантириш ҳам сўт, 21 фермерга давлат банкidan бор-йўри 960 минг сўм пул ажратилган, шундан 231 минг сўми қайтарилган. Хўжаликларни транспорт воситалари, трактор, уруғлик билан таъминлаш ўлда-жўлда. Атиги 4 та фермер хўжалиги 5 та трактор, битта комбайн, битта автомашина, 2 та

Жамоа хўжалиги бошқаруви Р. Дадамирзаев ихтиёридаги 64 қорамолдан атиги 13 та ситир зўрма-зўр маҳсулот бераётгани, бунинг устига қолган гунаҳини, навосларни боқиб қолхоз зиммасига тушайтганлигини ҳисоб-китоб қилиб ер беришни рад этди. Наҳора, жамоа хўжалиги ҳақи, Бординги, фермер учун ер ҳам ажратилди, дейлик Уни ҳайдап, экин, иллов беришга трактор керак... Раҳим-жонинг бир оёғи ниҳонасида бўлса, фермадаги юмушларни ким саралаямлайди? Боқувдаги ситирлардан ташқари 12 бош новбост, 16 гунаҳин, 13 та буюғларга ким қарайди? Унинг устига зооветеринария хизмати, хуллас, бу юмушлар бир-икки кишиники эмас. Беш-олти одамга етиб ортади. Бу ўрида раисни айбламаслик даркор. Эеро, ҳуқуқини билган бурчинни ҳам унутмасин... Пахта, овод туманида шу кунларда 16 та фермер хўжалиги мавжуд. Улар учун 51 гектар экинзор ажратилган. Қорамоллар сони 457 бош бўлиб, шундан ситирлар 116 та, яна қўйлари бор. Фермер хўжаликлари шу йилнинг биринчи чорагида давлатга 13,4 тонна гўшт, 2,9 тонна сут сотишди.

ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Оймиқшилоқнинг Азимий кўчасида яшовчи Қодиржон Ризаевнинг эрталабдан буюв ичига чироқ ёқса ёришмай.



«Дўстлик» ижара ширкати хўжалиги Нишон районидagi йирик чорвачилик хўжаликларидан ҳисобланади. Бу ерда 780 бош қорамол бўлиб, улардан 270 боши соғин ситирлардир. Соғувчилар орасидаги мусобақалда Тўлиш Бакирова, Нигора Янгиева, Момогул Ҳайдарова, Турсунои Қўлдошева ситири чорводорлар пешқадамлик қилишляпти.

СУРАТДА: илгор ситир соғувчи Нигора Янгиева. Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.

Муаммо, мулоҳаза, танқид

ҲАҚИҚИЙ ФЕРМЕР ХАЛҚНИ ЎЙЛАЙДИ

прицепли аравага эга, холос. Шуниси ачинарлики, 1993 йилининг 19 мартгача 19 та фермер хўжалиги давлатга бор-йўри 19 тонна сут сотган. Аксарияти юқорда айтганимиздек, ўзи билангича иш юритамоқда.

МУЛОҲАЗА: Фермерлик ҳаракатидаги муаммоларнинг ечимни кўп жиҳатдан деҳқончилик-саноат уюшмасига боғлиқ. Уюшманинг молиявий юмушларини тартибга солувчи бош ҳисобчи билан суҳбатдан маълум бўлдики, турли қийинчиликлар туфайли мутахассислар жойларда муаммоларни ўрганиш имконига эга эмас. Транспорт таъминоти тўғрисида гапирмасам ҳам бўлади. Ҳокимлик, уюшмага фермерлардан тўхтовсиз келаётган шикоят хатлари шундан далолат беради.

ҲУҚУҚИНИ БИЛАДИ, БУРЧНИЧИ?

Ушбу оилавий фермага қадам ранжиди қилиб қўнглимиз кириб торди. Тўрт томондан елвизак уриб турибди. Жониворларга назар ташлаб, ачиниб кетдик. Аксарияти тўйиб озиқланмаганидан қовурса саналиб турарди. Охурларда сомондан бошқа емиш кўринмасди.

Устига-устак молхонанинг санитария ҳолати қониқарсиз. Чор-атрофда гўн гараму уюлиб ётибди. Егингарчилик кунларда молларнинг қорингача балчиқча ботишини бир тасаввур этинг.

Бостирма Егинасидagi 50 сотихлик экинзор бекор ётибди. Кузада ақали рож еки беда экинларда қани эди. Шу ерда айланб юрган йигитни тургунга тортиқ. Биласик, у милобзор Омаджон Йўлдошев бўлиб, фермер Раҳимжон Дадамирзаевнинг жияни экан. Раҳимжоннинг касби ҳуқуқшунос.

Хўжалик фаолияти билан танишиш жараёнида қўй-дагилар маълум бўлди: у 1989 йилида Р. Дадамирзаевнинг шахсий маблағи ҳисобига «Коммуна» жамоа хўжалиги ўраминида ташкил топган. Бироқ жамоа хўжалиги билан фермер ўртасида маҳсулот топшириш юзасидан ҳеч қандай шартнома тузилмаган. Жамоа хўжалиги ҳаваскор чорводор хонадонидagi 100 бош қорамолни хашак билан боҳоли қудрат таъминлаб, бунинг авазига фермердан сут олиб турган.

Хўжаликка янги раис келгач, фермерга нисбатан талаб-авазларини оширди. Аслида шундай бўлиши керак. Қолаверса Р. Дадамирзаев сарф-харажатларини тарозига солиши, қанча маҳсулот етиштириб, унинг қанчасини давлатга сотиши ҳақида қолхоз билан шартнома тузиши лозимлигини ҳуқуқшунос сифатида билиши шарт. Қолбуки, деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги Қонунида бу ҳақда аниқ белгиллаб қўйилган. Бироқ Р. Дадамирзаев ана шу талабларни четлаб ўтиб раисдан ер ажратилишини сўрагани-сўраган.

ди. «Тарғили» икки кундирки, ўтдан-емдан қолган. Куюн-майдини, бутун хонадонини шу говмиш боқайди. Худо кўрсатмасин бирор қори ҳол рўй бера, ҳозирги қимматчиликда бозорга йўллаб бўладими? Қодиржоннинг кўз олдига деҳқон бозори ёнида жойлашган зооветпункт келди...

Пункт мудири Илҳомжон Насриддинов унинг ташвишли чеҳрасига назар ташлаб нима гаплитгани пайқайди. Сўраб-суриштириб ситирнинг касалини аниқлади. Дори-дармонлар сақланмаган жомадонини очди. Керакли дорини тополмади шекили, бўшади. Илҳомжоннинг диққат бўлаётганини сезган ҳамкасби Муроджон Қодиров жонига оро кирди:

— Ташвиш қилманг, биттасини тишимнинг ковагида «ақлаб юргандим. Ҳозир келтираман, — дедида шошилиб хонадан чиқди.

Хайвонот шифохонасини очиб ва ишга туширишда асосий мутасадди туман шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси, қишлоқ кенгаши, район саноат-деҳқончилик уюшмасининг катта-кичиги омулча куч-ғайрат сарфламади. Пункт учун бино ажратилди, зарур ускуналар, асбоб-анжомлар билан таъминланди. Пункт хўжалик ҳисобиди бўлгани учун мудири Илҳомжон Насриддинов пуллик хизмат кўрсатишдан тушган маблағ ҳисобидан маош олади. Ерданчиси Муроджон Қодировга эса маблағ тақсирлигидан. Ойим ширкатлар уюшмаси орқали маош тўланмоқда. Чорва моллари ва паррандаларини даволати, уларни суғийтириш, касалликларнинг олдини олиш, қўшхона ва қасбобхоналарнинг ветеринария-санитария ҳолатини назорат қилиш шу 2 нафар ходимнинг зиммасида.

Қўрнинг турибдики, иш қўлами кенг, шароит эса... Қишлоқ хонадонлариди қорамоллар бош сони тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Масалан, икки фермер ихтиёрида 60 га яқин қорамол парвартиланмоқда. Ақолида қорамоллар бош сони 9 мингга яқинлашди. Яна 6.415 қўй, йилки ва 13.400 та парранда бор. Мол бозори, 13 та қасбобхона, қўшхонанинг ветеринария-санитария ҳолатини назорат қилиш пункт ходимлари зиммасида.

Зооветпункт билан зооветуластка ўртасида катта молиявий фарқ бор — дейди М. Қодиров. — Пунктда 2 та ходим ишласа, участкада 5 ходим меҳнат қилади. Оймиқшилоқда ҳам туман ҳайвонот касалликларига қарши кураш станциясининг бўлимасини очиб пайти аллақачон етди. Ериқишлоқ, Қатортоқ, Пахтакор қишлоқларида ана шундай бўлималар ишлаб турибди. Ақолисининг аниқлиги, ҳайвонлар бош сони бўйича Оймиқшилоқдан кейинда турадиган Тешиктош мавзесида участка очилган.

Бахтиёр Солиев, Улуғбек номидаги кўчада истиқомат қилади:

— Пункт ходимларининг тиббий хизматидан нолийдиган жойим йўқ. Кечасими, кундузиюми улар ёрдамга тайёр. Аммо дори-дармон ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ситиримиз керакли дори вақтида топилмаганидан нобуд бўлди. Эссиз, рўзгоримизнинг бир томонини кўтариб турувди...

Тўхтасин Қўчқоров, Бобур номидаги кўчада яшайди:

— Тўққиз бош қорамолимиз бор. Шукр, дастурхонимиздан сут, гўшт ўзилайди. Янида жониворлардан бири қовуш қайтармай қўйди. Зудлик билан пунктка келдим. Мутахассислар хонадонимизга етиб келишди. Жониворнинг иссини тушиб, илпашка очиларини деб, бироз пахта мойи, наманоли сув ичириб кўрдик. Барибир фойдаси бўлмади.

● Бухоро районидagi

Усмон Юсупов номи жамоа хўжалигида Мустафо Файзуллаев бошчилик қилаётган оилавий фермерлар жамоаси 200 бош қорамолни парвариш қилаёттир. Улар жорий йилда 30 тонна гўшт ва 60 тонна сут етиштириб, халқ дастурхонини мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш иштиёкида астойдил меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: фермер М. Файзуллаев.

Е. БОТИРОВ олган сурат.



Мутахассислар билан суҳбатда бошқа муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланди. Биринчиси, зооветпункт биноси масаласи. Бинонинг қишлоқ марказида жойлашгани қийинчиликлар туғдирмоқда. Сабаб, пунктнинг қор айланаси деҳқон бозори, қишлоқ матлубот қамияти билан қуршалган. Ҳайвонларни, эмлаш, суғийтириш, бошқа тадбирларни ўтказишга шароит йўқ. Енг маъқули қишлоқ четидagi мол бозори. Егинасидagi ташландиқ бино таъмирланса, барча тадбирларни амалга оширишга имкон яратилади. Энди, ҳамма гап қишлоқ кенгашида, қолаверса молиявий масалаларни ҳал этадиган виллоят деҳқончилик-саноат уюшмасида қолди.

МУШОҲАДА: Фермер хўжаликларига ер ажратиб ва ундан фойдаланиш шу куннинг долзарб масалаларидан. Ҳолбуки, Президентимизнинг 1991 йил ноябрдаги Фармонида фермерлар учун ер фондини ташкил қилиш, бунинг учун пахта, майдонларни қисқарттириш ҳисобига ер захирасини яратиб тўғрисида тегишли вазирларга фармойиш берилган. Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақдаги қарори ҳам ҳаммага маълум.

Виллоят деҳқончилик-саноат уюшмасининг 1992 йил январдаги, шунингдек, виллоят ер тузиш ва ердан фойдаланиш инспекциясининг 1992 йил 7 февралдаги қарорлари, да Президент фармони асосида фермер хўжаликлари учун 12 минг гектарлик ер фонди ташкил этиш белгиланган эди.

Аммо ҳозиргача топшириқ 16 фойзга бажарилган, холос. Президент фармони, ер фонди бўла-туриб айрим туман ҳокимликлари расмий учунгина тадбир белгилаб, фермерларга ер ажратишга сансалорлик қилаёттирлар.

Андижон тумани ҳокимлиги қарори билан 990 гектарлик ер фонди ташкил қилинган. Бор-йўри 7 та фермер хўжалиги тузилиб, улар 38 гектар ер билан таъминланган. Жалолқўдқ туманидаги Ойим ширкатлар уюшмасида бор-йўри 3 та фермер иш юритаётган эди. Улардан бири ўз фаолиятини тўхтатиб чорвачиликдан пахтачиликка ўтди...

Фермер Нишонбой Юнусов уч йилдан буюв ҳар ситирдан 3.1 минг килограммдан маҳсулот олиб, виллоятда пешқадамлик қилиб келарди. 1990 йилда 10 бош ситир билан фермер хўжалиги ташкил этган. 1991 йилда ситирлар сони 14 тага етиб 44 тонна сут сотган. Туёқ сони кўпайган сари, тасарруфидagi 5 гектар ер фермер хўжалигига торлик қилиди. Қўшхона 3 гектар ер сўраб мурожаат қилди. Ҳокимлик рози бўлди. Аммо район ер тузиш ва ундан фойдаланиш идораси инспектори Нишон бой Султонов 1993 йил 20 январь кунини ширкатга келиб ўзобомчилик билан бошқарув ҳайъатининг «Ингиллиш»-ни ўтказиб ўз қўли билан фермерга ер ажратилиш тўхтатиш ҳақида қарор тайёрлади. «Ингиллишга» фермер Н. Юнусовни тақлиф қилмайди. Оқибатда не машаққатлар билан тузилган фермер хўжалиги ўз йўналишини ўзгартиришга мажбур бўлди. Ташаббуси бўғиб, янгилик на тўсқинлик қилаётган қорғозбоққа ким вақолат берди, ҳамма ҳайрон. Шу ўрида икки оғиз иловани қўшиб ўзини лозим топдик. Ҳўлаймизки у фикримизга анча ойдинлик киритади:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Президент Фармонларини амалга ошириш бошқармасининг бош мутахассиси Мирвос Мирқомилов шарҳи:

— Президентимизнинг фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни ер билан таъминлаш ҳақидаги Фармонлари Андижон виллоятда очини суст-качки билан амалга оширилляпти.

Ер ажратиб топширилинган 16 фонзда қолиб кетганнинг ўзи муҳим ишга муносабатни кўрсатиб туради. Гўшт, сут етиштиришга яхтисослашган хусусий чорводор хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни айрим туман ҳокимликлари унутиб қўймоқдалар. Бунинг устига жойлардаги маъмурлар турли кўрсатмаларни ўйлаб чиқариб фармонлар ижросига тўсиқ бўлаёттирлар.

Туман ер тузиш ва ундан фойдаланиш инспектори Н. Султоновнинг ўзобомчиликга район ҳокимлиги тегишли чора кўрмаётганлиги ҳайратланарлиқдир.

Мутахассис ҳақ гапни айтди. Шуниси таажубки, ер тузувчи юқоридagi қалбаки «Ингиллиш» ўзи бош қош бўлиб ўтказган-у, аммо иштирокчилар қаторига исм-шарифини киритмаган.

Хуллас, Н. Юнусов бошчи фермер хўжалиги ер тузувчи Н. Султоновнинг тазйиқи билан зарур миқдордаги экинзорни ололмагач, унинг устига ширкат раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланмагач қорамолларни сотиб пахтачилик билан шуғулланишга мажбур бўлган.

Газета саҳифаланаётганда Андижондан ушбу хабар олинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi давлат назорати қўмитаси раисининг ўринбосари, иқтисодий ислохотини ўтказиш жамоатчилиги комиссиясининг раиси В. Раҳмонов ташаббус билан жумхурият Қишлоқ хўжалиги вазирлигини фермерлар учун омухта ем ажратилишини тезлантириш ҳақида махсус хат юборилган. Вазирлидан виллоят деҳқончилик-саноат уюшмасига фермерларга ажратиладиган омухта ем миқдори ҳусусида кўрсатма берилган. Унда ҳар бош қорамол учун йиллик омухта ем миқдори белгиланган. Жумладан бир йилга виллоят фермерлари учун 9359,6 тонна омухта ем ажратилиши кўрсатилган. Омухта ем жойлардаги матлубот қамиятлари орқали кооперация нарҳида оғтазиб берилади.

Ш. АСАНОВ,
Андижон виллоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ҳузуридаги Президент фармонларини амалга ошириш бўлими бошчиси.

С. РЎЗИМАТОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» муҳбири.

1993—Аҳмад Яссавий йили

МУҚАДДАС МАҚБАРА

Бизгача етиб келган 8ма манбаларда айтилишича, кўна Яссавий ҳозирги ёдгорлик ўрнида XII асрда унча катта бўлмаган мақбара бўлиб, бу шайх кўл Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига ўрнатилган.

1389, 1391, 1394, 1395 йилларда Амир Темур кўп жанглардан кейин Олтин Ўрдани ишғол қилди. Ғалаба мубоабати билан Аҳмад Яссавий мақбараси ўрнида (1394—1395 йилларда) янги мақбара обиди яратилиш ҳаракатига тушади.

...Мазор гумбоз 30 газга (1 газ 60,6 сантиметр), айланаси эса 130 газга тенг бўлиб, пештоқнинг минораларига бўлган эни 60 газ, пештоқ ораси оралиғи 30 газ бўлиши кўзда тутилган эди.

Амир Темур қурилиш ишлари ни ўз кўл остидаги ташкилий ишлар билан шуғулланадиган хизматчиси Мавлон Абдулла Садрга топширган, қурилиш жадаллашди ва ишлар Яссавийдан 20 қақирим узокда — Сайромда тайёрланиб, қўлма-қўл узатилди, мақбара қурилишида 20 минг киши қатнашди. Улар янги усуддан фойдаландилар: эшик ва деразанинг узунлиги бир-бирларига тенг-тенг бўлиб қурилди.

Аҳмад Яссавий ёдгорлиги узунлиги 65,5 метр, энг 46,5 метр-дир. Иморатнинг ўта катта пештоқи 50 метрли, пештоқ арки 18,2 метрли, баландлиги 37,5 метр, унинг ўртадаги чорхонаси атрофида 35 та турли хона бор.

Қозоқхона (қозон турган хона) Марказий Осиёдаги иш билан қурилган гумбазлар ичида энг каттаси — диаметри 18,3 метр. Бу хонадан ўтганда сўнг ҳар кил нақш билан безатилган ёғоч эшик орқали Аҳмад Яссавий қабри жойлашган хонага кирилади. Бу мақбаранинг юқори қисми-дир.

Қозоқхонадан бошқа хоналарга қараб икки қаторли саккизта даҳлиз қурилган. Бу даҳлизлар иморати саккизта «бўкма» бўлинадди. Ҳар бирининг меъморчилиги ҳам, фойдаланадиган мақсад ҳам ҳар хил. Шарқдагисиде масжид жойлашган бўлса, шимолдагисиде ҳалимхона бор. Ҳалимхонада ҳар душанба ва жума кунлари намозларга тарқатиладиган таом—ҳалим тайёрланган. Ҳалимнинг салобати ва катталиги билан у Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди, га ва Шаҳрисабздаги Оқсарой билан Доруусоатда тенгдир.

Аҳмад Яссавий мақбараси тимсоли деб эрамининг VII-VIII асрда қурилган, лекин битмига қолган Жамбул вилоятидаги катта қурилиш—Ақир Тас (Тас Ақир) ва Термиз яқинидаги Қирқиз мажмуини атаса бўлади. Аҳмад Яссавий ёдгорликлари мажмуида ўша давр меъморчилиги амалиётидаги барча ижобий намуналар намояндир.

Амир Темур шоир қабри устига ёдгорлик қуриш билан бирга Аллоҳ йўлига — ислом динига эътиқоднинг юксак бўлганлигини исботловчи ВАҚФНОМА — ҳужжатни ҳам расмийлаштирган. Ушбу вақфнинг асл нусхаси мақбарани музейда сақланмоқда.

Маълумки, вақф —ислом қону-қоидаларига оид ва хайрли мақсадлар, Аллоҳ йўлига ажратилган мол-мулклардан иборатдир. Мусулмон давлатларида мактаб ва мадрасалар, аҳоли учун муофирхона, етимхона ва касалхоналар қурилганда, ана шу бинолар учун бўладиган маблағ харажатлари давлат ёки бирон кимса томонидан таъминлаб турилган. Бино эгаси доимий даромад бериб турадиган жойлар (ер, тегирмон, ҳаммом, дўкон, карвонсарой, хунармандчилик корхоналари ва бошқалар)ни шу бино ёки жой маъмуриятига қозоқхонада расмийлаштирилган ҳужжат-вақфнома билан ўтказиб берилган. Вақфдан келадиган даромад дин, маданият ва маориф ишларига сарфланган.

Биз учун муҳим бўлган Амир Темур вақфи алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу мабодо соҳибқироннинг баъзилар айтганидек «босқинчилик билан шуғулланган» лигя ҳақидаги бўхтон маълумотларни чиппака чиқаради.

1897 йил 29 августда Туркистон генерал-губернатори меҳмонхонасида Туркистон археологик ҳаваскорлар тугарагининг умумий мажлисида шу ҳақда Фикр билдирилиб, Амир Темур вақфномаси ўрис тилида ҳам баён қилинган. Ўзбекистон жумҳурияти марказий ҳужжатхонасидан олинган Амир Темур фармонидан парча келтирмаз:

«Аллоҳ таолодин... нажот сўраб, ушбу қасрни барпо айлаб ва қуйидаги шартларни баён қилдиримен: мен ким АМИР ТЕМУР ҚУРАГОН БАҲОДИР СУЛТОН ИБН ТАРАҒАЙ, ҳурматга лойиқ вақибларумга сув ва ерларумни ажратиб берманку ният айладум, демаккум: ҳўжанлуқларнинг ҳавуз бошидан бошлаб, Жикки аринг суви ва атрофидоги ерлари билан, Оқсар йўли орқали то табаррук кўл Хайр ота қадам-жоларуғача бутун сув ва ерларни вақф—Султон ҳўжа Аҳмад Яссавийга — тортиқ қилладурмен. Менинг бул қўлмушум Аллоҳга хўш келсун. Ҳозирда ва келгуси, даҳшарият бурлан келушўлгон ҳолда фуқароларга тақдим айладум ва ер суварини чегаралаб бердум.

Ҳеч кум ҳўжанлуқдин ташқари бул ерлардин фойдалана олмағай ва экун элмағай. Бул вақф ҳаётиниғ охириғача сақлонуши шартдур.

Вақфда белғулонгон шартлар қуйидоғилардур:

1. Икки қори бўлмоғи ва алар Қуръони Каримни ўқушлари шартдур, негани, Қуръонни ўқиб, бул Қуръон билан менинг мазорим ёруғладур.

2. Ҳазрат Султон Яссавий тенг Садр Шайх дегон укаси бўлгонлуғини, Садр Шайхни эса Ботир Али Шайх (Ҳусайн Шайхнинг ўғли) дегон ўғлу бўлгонлуғини эътиборга олиб, Ботир Али Шайхни Яссавийларнинг қариндоши бўлгонлуғига ишонч ҳосул айлаб, мен Ботир Али Шайхни Вақфнинг мутаваллиси этиб тайинладурмен. Ҳеч кум онга нусбатан ўзбўшум

чолуқ қилмаслуғу ва онинг барча ворусларун абадул-абад ҳафа қўлмослуғу шартдур.

3. Мтавали тўрт кишини ишга қабул этмоғу шартдур: икки киши сув тошмуғу ва икки киши масжиднинг ерини (ва ҳовлусунин) суварушу ва қўруқлаш учундур.

4. Ҳўжанлуқларнинг ҳовуз атрофудоғу борни ва онга икки кишини соқчи айладум.

5. Ботир Али Шайхдин булан ҳеч ким бул Вақфнинг ҳўжайини бўлолмағай. Ул тушгон даромадин йўғуб боруши шартдур.

6. Ҳар душанба ва жума кунлари масжидда ҳўжўйларга ҳалим тайёрлануши шартдур. 2,5 ботмон бугдойдин ва 2 ботмон гўштудн булур учун керакли туз ва ўтун берлушу керақдур. Бул ҳалимдан намбағаллар, етумлар фойдаланмоғу шартдур. Йилга 100 туяга ўтун таҳланушу ло-зумдур. Икки қорига йилга 150 пуд бугдой тайинлонмоғи керақдур.

7. Ҳамма қўруғу, ўзак, қўшоқ ва шаҳарлуқлар ва ҳўқидор кишилар вақфга бўйсунуб, онинг ишларига аралашушлари керак эрмас.

Менинг бул суварум ҳамма келажак амир ва бошқа амалдорлар бурлан тасдиқланмоғу ва ҳўжанлуқлару ҳафа қўлмослуғу керақдур. Бўлмасам, мен алар-булран наринга дунёда довлашур мен. Олдуни айтгонудек, вақфини кўл жойларга тайинладум. Шулардан Қора сув бўлоғудоғи жойга Авлиё Мир Саид Ваққосни тайинладум.

8. Бутун вақфлар бурлан ҳўжайинлуқини ул мутавалий қўлмоғи шартдур.

Пастда Қози Қамолдиннинг иккита муҳри бўлиб, теласида тилларанг суртилган кичик муҳр бор. Унда шу суварини ўқиб муимки: «Амир Темур 735 йили туғилган. 771 йилда дунёни забт этган. 807 йили вафот қилган».

Мурод Мирзо АХМАДКОРИ ўғли.



Мустақил Ўзбекистонимиз ташқи ва ички сибсатда ўзини тутиб олши, жаҳон ҳамжамияти орасида муносиб ўрнини томонлама мадад бекииб бўлмоқда. Кейинги йилларда икки дўст мамлакат ўртасида иқтисодий, савдо ва бошқа хил алоқалар тобора мустақамланмоқда. Туркия жумҳурияти ёш, истиқболли порлоқ мамлакатимиз тезроқ оёққа туршиш учун самийий ёрдам кўрсатмоқда. Бунинг истиқлолга юз тутган дийримида янги-янги қўшма корхоналар ташкил этилаётганлиги, ишлаб чиқаришда турки қардошларнинг илғор технологиялари ва иш услублари қўлланилаётганлиги яққол исботлайди. Шунингдек юзлаб ёшларимизни Туркия дийрида билим олаётганликларни, ишбилармонлик соҳасида ҳамкорлик қилинаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Айни кунларда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар савдо-кўرғазма марказида Туркиянинг савдо-саноат ва тижорат иккинчи кўрғазмаси бўлиб ўтапти. Унда 45 та компания мазкур давлат халқ ҳўжалиги ютуқларини, маҳсулотларини намойиш этмоқда. Улар орасида «Рено» автомашиналари, электр техника моллари, ойна жаҳон усуналари, уй жиҳозлари, кийим-кечалар, озиқ-овқатлар бор. Бу маҳсулотлар томошабинларни ўзига жалб этмоқда. Бундан ташқари кўрғазмада ишбилармонлар, тижоратчилар билан фикр алмашишмоқда. Ушбу ҳаракатлар натижасида талай битимлар имзоланиши кутинлапти.

Мазкур кўрғазмани ташкил этишга асосан Туркия халқаро кўрғазмалар компанияси бош-қош бўлди. Бу ташкилот ўз фаолияти давомида кўплаб мамлакатларда кўрғазмалар уюштирган, айни пайтда дунёнинг ўн тўртта давлатида ўз вакилларига эга. Компания Туркиядаги кўрғазмалар ҳўшикл этиш бўйича давлат рухсатномасини олган ягона ташкилотдир.

СУРАТЛАРДА: кўрғазма залларида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЧИЛА

Одатдан ташқари иккинчи талофатин бу йилги жавзо ўрини 21 июндан бошлаб саратон олдн. Зотан шу ойдан бошлаб, ҳижрийча 83 фасли ҳам бошланиб кетди. Биринчи июндан бошланган июлидн—ўз йўлига, лекин аввали дехқончилик удуғимизга кўра чинакам 83—айни ҳижрийча ҳисобланади.

Саратон бошида энг узун кун 15 соату 13 минутни ташкил этади, сўнгра тун томонн узайишга юз тутади. 25 июндан ёғи 40 кундан чила бошланиб 5 августда чинади. Минжон совуқлар саратону чилани яқин ўтказишди, иссиқларн эса ўзларини ҳам кўзда оғир сезишди.

Саратонда саҳродаги қўмга тухум қўйсангиз, кўп ўтмай пишриб беради.

Ибн Сино ҳар фасл бошидан унга мослашиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган:

Тўрт фаслда—тўрт хил ўзгарар инсон, Ҳар фаслнинг таъсири кўп инсонга, Езда—салқин, қишда—иссиқ инсар жон, Талаб атар мувофиқин, у ҳар он.

Қишлоқнинг жумла аҳли ҳозир очиқ далада саратон даминг узининг қайноқ меҳнати билан қўради. Қолаверса, айрону қимиз қувватбахш бўлиши билан бирга, жазирамага мослашиш омилларидандир. Ҳаттичда дехқонларимиз тўйиб, мириқиб ичган яхна гўжа ҳозир ҳам ажойиб неъматлардан ҳисобланади.

Талофатлар асоратларини ўнглашда ҳозир энг қизғин кураш кетяпти далада. Бунда ҳозирги ҳарорат ҳам катта маддадир. «Чилла—ҳар дами тилла» дегани эндиликда ҳар қақонгидан ҳам кўп асқотади.

Шундай қилиб, жавзода чопчики маромида бажарган, энди саратонда сўғорини ҳам ўрнига қўяди. Бундан кейинги асада эса, сўғорини камайтириб, экинни пишришга киришиб кетади.

Жавзода чопининг келтири, Саратонда қондириб сўғор, Асада экиннинг ясади.

Ҳазрати инсон—деҳқонин ардоқлаб адоғига етолмаган Алшар Навоийнинг мана бу суварини шу паллада ҳар қақонгидан ҳам жоиз келди:

Агар тупроқ тутсанг, бўлсун олтин, Оқизсанг қатран ҳай, дурри макну! Яхши уллаган тупроқинг олтину, оқизсанг пешона теринг дур бўлсин!

Бобур Мирзонинг қуйидаги байтини ҳозирги истиқлол эгалари қаратилган кўтлов, деб билгасиз:

Хўшвақднинг мудом бор бўлсин! Давлат салга мустаъдом бўлсун!

Ражаб ЖУМАННІЗОВ.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ ДАВЛАТ

Дам олиш саҳифаси

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

НУР ВА ТУПРОҚ

Еру Осмон маконим эрур—Фарзандирман иккисига ҳам, Кўкдан нишон кўнглимдагн нур, Ердан эса зарра-зувалам!

Бирн мени қўксиде тутар, Бирн эса бошимда панох, Шуларга эш ёз-қишим ўтар, Умр ўтар шундоқ баноғох.

Гоҳи Ерда куйманиб кетиб Эсдан чинса бир нафас осмон, Еки завқим кўкка этлиб Ердан йироқлашсам.

Кўнгли хира, кўзга тор олам Ҳар икки ҳол, икки аснода Туюлади бир нимадир кам! Онам билан бўлиб овера Назаридан қочгандек отам!

Иккисидан қарздорман илло, Иккисига ҳурматим чексиз, Бирин бошга кўтарган асно

Узгасига чўқадирман тиз, Агар десам бўлмағай хато, Шулар сабаб борман бегумон: Бирн вужуд этибди ато, Бирн бермиш унга нурдай жон!

Бир кун этиб қазон қадар, Ломаконили ютса жисминин — Ер оладир тупроқ қисминин, Қалбадаги нур кўк сари қайтар...

Токи кўзга зиё ёр экан, Токи танда гулриркан қон, Вужудини этмишлар Ватан Мангулики Ер билан Осмон.

Мен-ла яшар бу икки олам Еттуника умрим адоғи, Бошим кўкка етган чоғда ҳам, Ердан узилмағай оёғим.

Десам, айтар: «Йўқ менда ор», кулиб туриб. Кулиб боққан кимсадан қўрқ, дейдилар, воҳ — Қилмасайди ишим душвор кулиб туриб?! Қиз дилини ким англайди, ким билибди—Этмас асло макрин ошкор, кулиб туриб. Парвонадек ҳам сурясан, ҳам куйрсан, Парво этмас, парво зинҳор, кулиб туриб. Кулги билан навбахорим ўтназадир, Е кутарим қариниш ёр, кулиб туриб?! Севги бир бор бошга қўнар бахт қушидир, Қолма гафлат ичра шунқор, кулиб туриб. Қизлар айтнинг, у шўҳ ортиқ қийнамасин, Йўқса бўлғай гардима зор кулиб туриб.

ШАРОРА МАРСИЯСИ

Шарорадан кўнглимда ҳеч ўчмас шарор қолди, Гўё осмон қулади, ҳар ён тангу тор қолди. Ногоҳ босди бу кентни тоғ суриниб шул саҳар, Ер қаърида бир зумда қанча ҳешу ёр қолди. Бу мусибат, қайдайдн, тоғдек босди кифтимдан, Юрак-бағрим тўкилди, на ҳол, на мажол қолди. Бу кўрғилик боримди юк кўтарган улусга, Бирин икки этолмай қадам мангу дол қолди. Бу қандайин фалокат бу қандайин қисмат-ей, На бирорта хайру хўш, на бирор алёбр қолди. Бора яхши-ёмонни босди ўйкуда тупроқ, Езилмаган соғинчу налимнаган тор қолди. Фалокат қош-қабқонинг орасида, дерлар, рост, Бутун бошлин қишлоқдан фақат гард, гўбор қолди. Воҳ, табиат яратган бу гўристон устида Қалдирғочдан чарх уриб фарёд қовди, зор қолди. Абдирезоқ бошинг эг, тупроқини қил зинрат, Қанча дўсту ёрдонан шу тупроқ ёлғор қолди.

Раззоқ АБДУРАШИД.

ЁЗ—ЎТМОҚДА СОЗ СЎЛИМ СОЙ БЎЙИДА

Андижон туманидаги Завроқ қишлоғида жойлашган «Қалдирғоч» болалар оромгоҳи таъмирланиб, 83 фаслида мингга яқин бола дам оладиган гўшага айлантирилди. У илк дам олувчиларни қабул қилди. «Чайка» деб номланган сойиқ қашшофлар лагерини Андижон ил-газлама ишлаб-чиқариш бирлашмаси сотиб олди ва 10 миллион сўм сарфлаб, болалар оромгоҳига айлантирди. Оромгоҳида вилоят марказидаги кийим-кечак, пойабзал, тикун ишроқ чинариш бирлашмаларини ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари ҳам дам олмақда. Инги болалар оромгоҳи эгалари бу ерга табиий газ олинб келиб, иссиқхоналар ташкил этилиб, кўп-қаватли бинолар қуриб, енгил саноат ҳодимлари оила аъзолари билан хордиқ чинаради-ган масканга айлантиришни кўзда тутмоқдалар.

К. НИЗОМОВ, ҲаА мухбири.

УЛКАН ХАЗИНА

Сурхондарё вилоятининг ўлкашунослик музейи шу йилнинг сентябрыда 60 йиллигини нишонлайди. Бу ерда ўлка табиати, тарихи, археологияси, халқ амалий санъати ва этнографияси, халқ ҳўжалигида оид 71 мингдан зиёд осори-атица тулганлар, Афсуски, бу бай хазинанинг бир қисминига томошабинларга кўрсатилмоқда. Чунки, ниқиллобдан олдин қурилган бир қаватли, тор музей биносига бор хазинани жойлаштириш имкони йўқ.

(ҲаА).

ҲИЖРИЙ-ҚАМАРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ

20 июнь куни ҳижрий-қамарий тақвими бўйича 1414 йил бошланди. Бу йил ҳисоби тепамаздаги ойнинг кўринишига асосланган, яъни бир ойда 28 кун ҳар турли кўринишда келадн ва бир йилда 354, 355 кун бўлади. У мелодий ва ҳижрий-шамсий йил ҳисобидан 11 кунга фарқ қилади. Шундай қилиб ҳижрий-қамарий тақвими ҳар 33 йилда 1 йилга фарқ қилади.

Ҳижрий-қамарий йилида ҳам 12 ой мавжуд. Муҳаррам, (бу ой йилнинг боши) Сафар, Раб-биул-аввал, Рабиус-сонн, Жумадил-аввал, Жумадил-охири, Ражаб, Шабъон (барот), Рамазон (рўза), Шаввал (ҳайит), Зулкаъда (ора), Зулҳижжа (ҳурбон) ойларидир.

Ҳижрий-қамарий ва шамсий йил ҳисобининг бошланиш тарихи шундай: Пайғамбаримиз жаноби Расулulloҳ Сарвари Оламага Пайғамбарлик ваҳийси Мажмайи-Мукаррама шахрида келгандан кейин 10 йил ўтган, Мадинаий Шарифга кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Чунки улар Макка мушриклари томонидан кўп азиятлар чекадилар.

Пайғамбаримиз Сарвари Оламининг вафотларидан 18 йил кейин Ҳазрати Умар Ра-

МУАССИСЛАР: ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, «Ўз-плодоовощинпро» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Дехқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Иқтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиш бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва мазмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

БОШ МУҲАРРИР Н. ЕҚУБОВ.

Ўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), М. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

Самд Назирхон ўғли Самд ВАҚҚОСХОН.